1965 ЙИЛ ВАХТАСИДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 14 (2986). | Жума, 22 январь 1965 йил. | БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

## СИФАТ ОШДИ, ТАННАРХ КАМАЙДИ

*Н. Мирраҳимов сўнгги пайтда ўйчан бўлиб қолди. Агрегатлар ишини зимдан кузатади. Ўзича аллақандай тажрибалар қилади. У изланаяпти. Бир янгилик яратиш ишқида. Ишчилар меҳнатини енгиллатиш, маҳсулот таннархини арзонлаштириб, сифатини ошириш устида бош қотираяпти.*

*Изланишлар ўз самарасини берди. Яқинда 4-цех смена бошлиги Н. Мирраҳимов таклифи билан Тошкентдаги I-пойафзал фабрикасида икки ярусли конвейер ишга туширилди. Энди икки смена икки ярусда ишлай беради. Бу меҳнат унумдорлигини анча оширди, маҳсулот сифатини яхшилади.*

*Н. Мирраҳимов туфли пошнасини миҳлаш ишини ҳам машиналар елкасига юклади. У станокка махсус мослама ўрнатгач шундай натижага эришди.*

*Р. ҚУРБОНОВ*
*М. АБДУРАҲМОНОВ.*

## ЛЮБА ЛИ МАКТАБИДА

ЯНГИБОЗОР. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида мўл ҳосил миришкори Люба Лининг илғор тажрибасини ўргатувчи республика мактаби очилди. Биринчи поток машғулотларида қатнашмоқ учун Сирдарё областининг Мирзачўл хўжаликларидаги маккажўхорикорлар келишди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Люба Ли тингловчиларга маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш тажрибаси ҳақида, ўз издошларининг муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди. Масалан, Янгийўл районидаги Калинин номли колхозда ишловчи Роза Отабоева ўтган йили янги марраға эришиб, гектар бошига 1800 центнер маккажўхори кўкпояси ва 50 центнер дон йиғиштириб олди. Денов районидаги генерал Раҳимов номли колхознинг Раҳмон Абдурасулов бошлиқ бригадаси 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 73 центнер маккажўхори дони етиштирди. Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг Ўрин Шукуров бошчилигидаги бригадаси 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 1021 центнер кўкпоя берди.

Машғулотлар вақтида «Политотдел» колхозининг мутахассислари мактаб тингловчиларини маккажўхори етиштиришни комплекс механизациялашнинг илғор тажрибаси билан, шу илғор хўжаликда маккажўхорининг янги навларини етиштиришга доир агротехника усуллари билан таништирадилар. Колхоз маккажўхорикорлари ўтган йили «Белая зубовидная» ва «Днепровская-200» навли маккажўхорининг ҳосилдорлигини 86 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар. «ВИР-338» ва бошқа хил серҳосил гибрид навларнинг уруғлигини топшириш юзасидан улар планни анча ошириб бажардилар, бошқа хўжаликлар учун шу навларнинг уруғлигидан 1200 тонна бердилар.

Бу йил илғор тажриба мактабини республиканинг ҳамма областларидан келган 240 маккажўхорикор битириб чиқади.

Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари Москва ҳамда Ленинграддаги саноат корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича бошлаган ташаббусларини қизғин маъқулладилар. Қуюв цехининг қолипчилари иш суръатини ошириш билан бирга сифат кўрсаткичларини ҳам юксалтиришга астойдил интилмоқдалар. Сиз ушбу суратда кўриб турган Ш. Зекерьяев (чапдан), Ҳ. Ғаниев, К. Рискаев, М. Медебоев, Х. Конбаридис, М. Ибадлаев ўртоқлар меҳнатда касбдошларига ўрнак бўлишмоқда.

А. Тўраев фотоси.



## ЛЕНИНЧА ҒАМХЎР ВА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК

Совет кишиларининг бугуни кечагидан, эртаси бугунгидан серфайз, сермазмун ва завқли бўлмоқда. Гўзал она-Ватанимизнинг қайси томонига, қайси соҳасига боқманг, миллионларнинг буюк ижодий меҳнатини, ажойиб яратувчилик ишларини кўриб, чексиз қувонасиз ва бу ҳаёт чашмаларидан руҳ, илҳом оласиз, куч-ға-қувватга тўласиз, янги юксак марраларга парвоз қиласиз.

Мамлакатимизда иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги улуғвор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилаётганлиги Коммунистик партиянинг Владимир Ильич Ленин насиҳатларига ва доҳиёна кўрсатмаларига амал қилиб, уларни изчиллик билан турмушга татбиқ этаётганлигининг ва мамлакатга донолик билан раҳбарлик қилаётганлигининг буюк натижасидир. Коммунистик партиямизнинг бутун фаолияти халққа хизмат қилиш, унинг ҳаёти ва эҳтиёжлари, талаб ва истаклари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишдан иборатдир. «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахти-саодати учун!». Бу сўзлар партиямиз сиёсати ва туб мақсадининг асосидир.

Коммунистик партиямизнинг ленинча ички ва ташқи сиёсати тантана қилаётганлигини ҳаётимизнинг барча соҳаларида аниқ ва равшан кўриш мумкин. Мамлакатга ленинча раҳбарлик қилинаётганлиги натижасида партиямиз томонидан халқимиз олдига қўйилаётган улкан вазифалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Етти йилликнинг олтинчи йилидаёқ саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятнинг бирмунча соҳаларида етти йилликка мўлжалланган маррадан ўзиб кетилди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Шаҳарларда, қишлоқ, посёлка ва район марказларида кўпгина янги уй-жой бинолари, маданий-маиший ва коммунал хўжалик корхоналари, мактаблар, клублар, маданият саройлари, болалар боғчалари ва яслилари, касалхоналар, спорт базалари, кинотеатрлар қурилиб ишга туширилди. Меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ошириш, уларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Областимизнинг жуда кўп колхоз қишлоқларида, ишчи посёлкаларида бўлган киши унинг қанчалик ўзгариб, гўзаллашиб ва обод бўлиб бораётганлигидан бениҳоя завқланади.

Колхоз ва совхозларнинг деҳқончиликдан олаётган даромади ошаборган сари, турмуш маданияти ҳам юксалиб бормоқда. «Политотдел», «Қизил Ўзбекистон», Свердлов номли, Димитров номли, «Полярная звезда» ва бошқа колхозларда меҳнаткашларнинг маданий ҳаёт кечириши учун кўпгина шароитлар яратиб берилган. Бу хўжаликларнинг маданият ўчоқларида турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилади, кинофильмлар кўрсатилади, колхозчиларнинг фан ва илғор тажрибаларни яхшироқ ўрганиб олишлари учун турли тўгараклар, семинарлар уюштирилган. Радио, телевизор, Ильич нурлари қишлоқ аҳолиси хонадонининг файзи бўлиб қолмоқда. Бу ерларда партия ташкилотлари раҳбарлигида ўтмиш сарқитларига қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Натижада янгиликлар, коммунизм куртаклари кенг қанот ёймоқда. Янги дунёнинг янги кишилари — коммунистик идеаллар билан қуролланган маданиятли, онгли авлод ўсиб вояга етмоқда. Булар ва шу сингари муваффақиятларимиз халқимиз ҳақида ленинча ғамхўрлик ва меҳрибонлик намунасидир.

Партиямизнинг XX, XXI ва XXII съездлари ҳамда КПСС Программаси совет кишилари олдига коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини қўйди. Янги кишини тарбиялаш, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ вужудга келтириш, халқ фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш — бутун партиямизнинг, бутун халқимизнинг ғоят муҳим вазифасидир. Мамлакатга ва халқ хўжалигига ленинча раҳбарлик қилиш методлари ва принципларини тиклаган партиямиз Марказий Комитетининг октябрь ва ноябрь Пленумлари ҳар бир совет кишисининг ижодий куч ва қобилиятларини янада ривожлантириб юборди, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда бутун жамоатчилик ҳаётида янги истиқболлар очиб берди.

Шу кунларда завод-фабрикаларда, колхоз ва совхозларда — коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида меҳнат ғайрати булоқдек жўш урмоқда. Саноатчилар йил бошиданоқ юксак унум билан ишлаш учун, колхозчилар ва совхоз ишчилари бу йилги мўл ҳосилга пухта замин яратиш учун курашмоқдалар. Корхоналарда москваликлар ва ленинградликларнинг ташаббуси кенг қанот ёймоқда. Совет маҳсулотининг жаҳонда энг аъло маҳсулот бўлиши учун умумхалқ ҳаракати кучайиб кетди. Колхоз ва совхозларда кўклам тараддуди. Машиналар ремонт қилинмоқда, ариқ-зовурлар тозаланиб, ер ўғитга тўйдирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги кадрлари турли курс ва семинарларда ўз билимларини оширмоқдалар. Булар ҳаммаси халқимизнинг ғайрат ва ташаббуси кун сайин кенг қанот ёйиб, унинг онги ва дунёқараши юксалиб бораётганлигидан дарак беради.

Ленинчи партиямиз халқнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган жуда катта тадбирларни белгиламоқда. Лекин областимизнинг баъзи шаҳар ва районларида турмуш маданиятини яхшилаш, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатишни кучайтириш, ўтмиш сарқитларига қарши кураш ҳозирги талаблар даражасида эмас. Қишлоқ ва ишчи посёлкалари қурилишлари суст олиб борилмоқда. Бекобод, Бўка, Юқори Чирчиқ ва бошқа районларда меҳнаткашларга маданий-маиший, коммунал хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ, ободончилик, санитария ишлари партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг эътиборидан четда қолмоқда. Бу ерларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорлари изчиллик билан бажарилмаётир.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг асосий эътиборини меҳнаткашлар маданияти, турмуш шароитларини тубдан яхшилашга қаратмоғимиз керак. Халқ ҳақида ленинча ғамхўр ва меҳрибон бўлайлик. Идеология ишимизнинг бутун мақсади меҳнаткашларни коммунизмнинг онгли ва актив қурувчилари қилиб тарбиялашга қаратилсин. Қишлоқ ва шаҳарларимизда коммунизмнинг ҳаётбахш куртаклари кенг ривож топсин. Бутун мамлакат маҳаллий Советлар сайловига тайёргарлик кўраётган шу кунларда меҳнаткашларнинг ғайрат ва ташаббусини, ижодий ва яратувчилик ишларини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этайлик. Улуғ Ленининг ғолиб, ҳаётбахш, ҳамиша барҳаёт ғоялари ҳамма ерда тантана қилаберсин!

## ДЎСТЛИК, ҚАРДОШЛИК, БИРЛИК

### ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ ТЎҒРИСИДАГИ ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ КОНСУЛЬТАТИВ КОМИТЕТИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

ВАРШАВА, (ТАСС). Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий консультатив комитетининг 1965 йил 20 январда якунловчи мажлиси бўлди.

Мажлисда қуйидагилар қатнашди:

Болгария Халқ Республикасидан — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Тодор Живков, ташқи ишлар министри ўртоқ Иван Башев, халқ мудофааси министри ўртоқ Добри Журов, Болгария Халқ Республикасининг Польша халқ республикасидаги элчиси ўртоқ Демир Янев.

Венгрия халқ республикасидан — Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг Раиси ўртоқ Янош Кадар, ташқи ишлар министри ўртоқ Янош Петер, мудофаа министри ўртоқ Лайош Цинеге, ташқи ишлар министрининг ўринбосари ўртоқ Карой Эрдеи, Венгрия Халқ Республикасининг Польша Халқ Республикасидаги элчиси ўртоқ Ференц Мартин.

Германия Демократик Республикасидан — Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихт, Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Вилли Штоф, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри доктор Лотар Больц, миллий мудофаа министри ўртоқ Гейнц Гофман, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг сиёсий бюроси ҳузурида ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланувчи комитет раиси ўртоқ Герман Аксен, ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ Отто Винцер, Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг халқаро муносабатлар бўлими мудири ўртоқ Петер Флорин, Германия Демократик Республикасининг Польша Халқ Республикасидаги элчиси ўртоқ Карл Мевис.

Польша Халқ Республикасидан — Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Владислав Гомулка, Министрлар Совети Раиси ўртоқ Юзеф Циранкевич, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Зенон Клишко, ташқи ишлар министри ўртоқ Адам Рапацкий, миллий мудофаа министри ўртоқ Мариан Спихальский.

Руминия Халқ Республикасидан — Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Георге Георгиу-Деж, Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ион Георге Маурер, ташқи ишлар министри ўртоқ Корнелиу Мэнеску, қуролли кучлар министри ўртоқ Леонтин Сэлэжан, Руминия Халқ Республикасининг Польша Халқ Республикасидаги элчиси ўртоқ Георге Диаконеску.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, СССР ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громико, СССР мудофаа министри ўртоқ Р. Я. Малиновский, СССРнинг Польша Халқ Республикасидаги элчиси ўртоқ А. Б. Аристов.

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти ўртоқ Антонин Новотний, Ҳукумат Раиси ўртоқ Иозеф Ленарт, ташқи ишлар министри ўртоқ Вацлав Давид, миллий мудофаа министри ўртоқ Богумир Ломский, Чехословакия Социалистик Республикасининг Польша Халқ Республикасидаги элчиси ўртоқ Оскар Еленъ.

Мажлис ишида Варшава шартномаси бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко ҳам қатнашди.

Муҳокама қилинган масалалар ҳақида якунловчи мажлисда қўшма ахборот имзоланди. Ахборот тексти эълон қилинади.

Сиёсий консультатив комитетининг иши қардошларча дўстлик ва кўриб чиқилган масалаларнинг ҳаммасига бўлган қарашлардаги тўла бирлик вазиятида ўтди.

## ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ КОНСУЛЬТАТИВ КОМИТЕТИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

ВАРШАВА, 21 январь. (ТАСС). Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг 1965 йил 19—20 январда Варшавада ўз мажлисларини ўтказган Сиёсий консультатив комитети Шимолий Атлантик пактида аъзо бўлган баъзи давлатларнинг НАТО кўп томонли ядро кучларини яратиш планлари муносабати билан вужудга келаётган янги аҳволни, шунингдек ана шу планлар амалга оширилган тақдирда тинчлик иши учун рўй бериши мумкин бўлган оқибатларни муҳокама қилди. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий консультатив комитети кенгашининг ахборотида ана шу ҳақда гапирилади.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашаётган кучларнинг ўсганлиги, дейилади ҳужжатда, ҳозирги паллада халқаро воқеалар тараққиётининг асосий тенденциясидир. Тинчликсеварлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келаётган социалистик мамлакатларнинг қудрати ҳамиша мустаҳкамланиб бормоқда. Европадаги давлатлар ва бошқа мамлакатлардаги коммунистик партиялар ва халқ оммаси халқаро вазиятни соғломлаштиришни кескин суратда ёқлаб чиқмоқдалар. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақил давлатлар тинчликни мустаҳкамлашга актив ёрдам бермоқдалар.

Шу билан бирга, жаҳоннинг турли районларида халқаро вазиятни кескинлаштиришга интилаётган империалистик кучлар ҳам анча активлашиб қолдилар ва зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар.

Империалистларнинг агрессив сиёсатини амалга оширишда, деб таъкидланади ахборотда, НАТОнинг кўп томонли ядро кучларини вужудга келтириш планларига алоҳида ўрин ажратилмоқда. АҚШ ва Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доиралар НАТОнинг кўп томонли ядро кучларини вужудга келтириш планларини амалга оширишни ёқлаб чиқмоқдалар. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бу планларнинг амалга оширилиши Европада ва бутун дунёда тинчлик ишини жиддий хавф остида қолдиради деб ҳисоблайдилар. Кўп томонли ядро кучларининг ҳар қандай шаклда вужудга келтирилиши ядро қуролини тарқатишдан ва жумладан, бу қуролни Ғарбий Германия милитаристлари қўлига топширишдан далолат берган бўлур эди.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ядро қуролининг ҳар қандай шаклда Германия Федератив Республикаси ихтиёрига топширилишига зўр қатъият билан қарши чиқадилар.

Барча халқларнинг туб манфаатлари НАТОнинг кўп томонли ядро кучларини вужудга келтириш планларидан воз кечишни талаб қилади, дейилади ахборотда. Аммо, НАТОда аъзо бўлган давлатлар тинчлик манфаатларига хилоф суратда ҳаракат қилиб, кўп томонли ядро кучларини вужудга келтириш планларини ҳар қандай шаклда амалга ошириш йўлига ўтадиган бўлсалар, у ҳолда Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар бунинг Европада тинчлик ва хавфсизлик ишига таҳдид қиладиган жиддий оқибатларини эътиборга олиб, ўз хавфсизликларини таъминлаш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўладилар.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи сиёсатининг асосий мақсади, дейилади сўнгра ахборотда, ўз мамлакатларида социализм ва коммунизм қуриш учун тинч шароитлар бўлишини таъминлашдан ва барча тинчликсевар халқларнинг куч-ғайратини бирлаштириб, инсониятни жаҳон ядро уруши хавфидан қутқазиб қолишдан иборат.

Совет Иттифоқи ва Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар халқаро аҳволни яхшилаш юзасидан бир қанча таклифлар киритдилар. Варшава шартномасида аъзо бўлган давлатлар халқаро кескинликни юмшатишга олиб келадиган ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришиш учун қулай шарт-шароит яратиб берадиган тадбирларни қўллаб-қувватламоқдалар ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверадилар.

Сиёсий консультатив комитет шуни таъкидлайдики, империалистларнинг таҳдиди олдида социалистик мамлакатлар тамомила якдил ва бирдамдирлар, империалистик доираларнинг ана шу бирдамликка путур етказиш йўлидаги уринишлари муқаррар барбод этилади, дейилади ана шу ҳужжатнинг охирида.



## СУРХОНДАРЁЛИКЛАР ОБЛАСТИМИЗДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг «Турмуш маданиятини юксалтириш, ўтмиш сарқитларини тугатиш — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шарти» деган қарори қабул қилинганидан бери ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу соҳада амалга оширилаётган тадбирлар республика областларида ўзаро текширилаётир. Тошкент областининг ўзаро текшириш бригадаси шу мақсадда Сурхондарё областига бориб келган эди. Куни кеча эса Сурхондарё областининг ўзаро текшириш бригадаси Тошкентга келди.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари орасида Сурхондарё область партия комитетининг секретари Ҳ. Азимов, область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ж. Солихов, Денов район партия комитетининг секретари Ғ. Насриддинов, Термиз шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири В. М. Морозов, область комсомол комитетининг секретари Л. Ражабова, область маданият бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Воҳидова, область кинолаштириш бошқармасининг бош инженери П. А. Рождественский, область коммунал хўжалик бўлимининг бош инженери Усмонов, область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бош инженери Чавашвили, Денов район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Н. Ф. Кудинова, Сариосиё район халқ маорифи бўлимининг мудири Н. Шоймардонов, область касаба союзлари советининг масъул секретари Т. Л. Реут, Жарқўрғон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Эсонов, спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи область совети раисининг ўринбосари Худойқулов, область матлубот союзи раисининг ўринбосари Асанов, колхозлараро қурилиш ташкилотининг бош инженери Аҳмедов, диний ишлар бўйича вакил А. Носиров, «Ленин байроғи» область газетаси редакторининг ўринбосари А. Пўлатов, «Ленинское знамя» газетасининг бўлим мудири М. И. Кузовенко ўртоқлар бор.

Меҳмонларни Тошкент аэропортида область партия, совет, комсомол, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кутиб олдилар.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари группаларга бўлиниб, областнинг шаҳар ва районларига жўнаб кетдилар.

Суратда: Тошкент аэропортида меҳмонларни кутиб олиш.

А. Мальцев фотоси.

